*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2011 йил 11 июнь ШАНБА

№ 46 (12.370)

1928 йил 11 декабрда асос солинган | Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси | www.th.uz

# БУЮК ВА МУҚАДДАССАН, МУСТАҚИЛ ВАТАН!

## РОССИЯ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 2011 йил 13-14 июнь кунлари амалий ташриф билан мамлакатимизда бўлади.

Ташриф давомида Ўзбекистон – Россия ҳамкорлигини ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилиниши мўлжалланмоқда.

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

### БЎСТОНЛИҚ ТУМАНИ

#### ВИЛОЯТГА ЙЎЛЛАНМА

**Туман марказий маданият саройида "Ягонасан, муқаддас Ватан" кўрик-танловининг ҳудудий босқичи ўтказилди.**

Кўрик-танлов низомига кўра, туман саралаш босқичида ғолибликни қўлга киритган "Қизил чиннигул" фахрийлар халқ хори, Хондойлиқ қишлоғидаги 10-сонли умумий ўрта мактабидан Серик Бердиев, Улуғбек Холмирзаев, "Ёш овозлар" тўгарагидан Тожали Ашуров, Илҳом Нишонов вилоят босқичига йўлланма олдилар.

Кўрик-танлов ғолибларига фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Ч. ПЎЛАТОВА.**

### ПАРКЕНТ ТУМАНИ

#### ПОКИЗА – ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

**Туман маданият уйида тиббиёт ходимлари саъй-ҳаракати билан ташкил этилган "Ҳамшира" танловининг туман босқичи ўтказилди.**

Олти ҳамшира қизлар – Ф. Дўсимова, Н. Абдурашидова, А. Ҳусниддинова, П. Назарова, М. Орипова ва С. Акбарова амалий, назарий саволларга белгиланган вақтда жавоб беришга ҳаракат қилдилар. Танлов якунига кўра, Сўқоқ қишлоқ врачлик пункти ҳамшираси Покиза Назарова ғолиб бўлди. М. Орипова ва А. Ҳусниддинова иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар.

Танлов якунида ҳамшираларга туман тиббиёт бирлашмаси касаба ташкилотининг совғалари топширилди. Энди Покиза Назарова танловнинг вилоят босқичида иштирок этади.

**Дилфуза МИРОБИДОВА.**

### ОЛМАЛИҚ ШАҲРИ

#### ИШ КЕРАКМИ, МАРҲАМАТ!

**Шаҳардаги "Ёшлар боғи"да меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда 40 дан ортиқ корхона ва ташкилотлар 200 дан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди.**

Ярмаркада 190 кишига ишга жойлашиш учун йўлланма берилди. Улардан 130 нафари ёшлар.

Меҳнат ярмаркасида энг кўп иш ўринлари билан "Олмалиқ ГАЗ" филиали, "Олмалиқ электр тармоқлари", "Аммофос Максам" ОАЖ, "Олмалиқ пивоси" хусусий корхонаси, "Саноаттехмонтаж" ва "Металлконструкция" МЧЖлари, халқ таълими бўлими, "Саноатқурилишбанк" Олмалиқ филиали иштирок этди.

**Дилфўза РЎЗИЕВА.**

### ЧИНОЗ ТУМАНИ

#### АЛЛА СЕҲРИ

**Она алласининг оромбахш сеҳрию илоҳий қудратини ҳис этмаган инсон топилмаса керак. Ахир, гўдак қалбида Онага, Ватанга бўлган меҳр алла билан шаклланади.**

Шу боис алла эшитиб улғайган фарзандларимиз меҳр-оқибатли, зеҳнли бўлиб камол топадилар.

Чиноздаги Ҳамза маҳалласида бўлиб ўтган "Оналар куйлаганда" танловида шаҳарнинг 13 та фуқаролар йиғини вакиллари иштирок этишди. Улар алла, айтишув, ёр-ёр, лапар, ўлан шартлари бўйича беллашдилар.

Дастур бўйича танланган мавзунинг ғояси, соз ва овознинг уйғунлиги, саҳна либоси ҳамда ижрочилик маҳорати учун Ҳамза маҳалласидан Донохон Шариповага 1-ўрин, «Қози» маҳалласи вакили Зуҳра Комиловага 2-ўрин берилди. Улар кейинги босқичда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Гулнора КАРИМОВА.**

### ПИСКЕНТ ТУМАНИ

#### ПОЙТАХТЛИКЛАР — ҒОЛИБ

**Ўзбекистон миллий автомобиль федерацияси ҳамда Республика техник ва амалий спорт турлари маркази ҳамкорлигида Пискент туманида жойлашган "Жанубий" автомобиль полигонида мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишлаб автомобиль пойгаси ўтказилди.**

Ўзбекистон миллий автомобиль федерацияси кубоги учун бўлиб ўтган мусобақада Тошкент шаҳри ва вилоятлардан келган 30 нафардан ортиқ спортчи уч класс бўйича ўзаро куч синашди.

Қизғин ва муросасиз кечган шахсий биринчилик баҳсларида биринчи классда Тошкент шаҳри вакиллари ғолибликни қўлга киритди.

**ЎзА.**

## ЁШЛАР «КОНЦЕПЦИЯ»НИ ЎРГАНИШМОҚДА

**Оҳангарон шаҳридаги маиший хизмат коллежида беш йилдан буён "Ёш сиёсатчи" клуби фаолият кўрсатмоқда.**

Ўзбекистон Халқ демократик партияси саъй-ҳаракатлари билан очилган клуб 40 дан ортиқ билимдон ва фаол талабалардан ташкил топган. Машғулотларда ёшларнинг жамиятимиздаги демократик ўзгаришларга муносабати шакллантирилмоқда. Клуб аъзолари нутқ маданияти, муомала ва мулоқот сир-асрорларини амалда ўрганишаётир.

Яқинда клубда коллеждаги "Ҳуқуқшунослар" тўгараги аъзолари билан биргаликда "Кичик академия" илмий-амалий конференцияси ўтказилди.

Анжуманда Президентимиз илгари сурган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"нинг мазмун-моҳияти ва Концепция асосида Конституциянинг айрим моддаларига киритилаётган ўзгаришлар ва шу асосда қабул қилинган қонунлар тўғрисида сўз борди.

Тадбир сўнгида иқтидорли, жамоат ишларида ўрнак бўлаётган, ЎзХДП Низоми ва дастурини ёшлар орасида тарғиб қилишда фаоллик кўрсатаётган клуб аъзоларига ЎзХДП шаҳар кенгашининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Саид АСҚАРОВ.**



*Оққўрғон деганимизда даставвал уфққа туташиб кетган кенг пахтазорлар, тоғ-тоғ пахта хирмонлари кўз олдимизга келади. Дарҳақиқат, неча ўн йиллардан буён туман деҳқонлари илғор агротехника ва фан ютуқларини пахтачиликка жорий этиб, мўл ҳосил усталари сифатида довруқ қозониб келишган, бу соҳада Оққўрғон мактабини яратишган.*

*Мамлакатимиз миллий мустақилликка эришгач, туман қишлоқ хўжалигидаги бу анъана янги йўналиш – ғаллачиликни ҳам ривожлантиришга қаратилган тажрибалар билан бойиди. Ўзбекистоннинг ғалла мустақиллигига эришиш дастури изчил амалга оширилиши натижасида Оққўрғон қишлоқлари ҳам мамлакатга минг-минг тонналаб буғдой етказиб бера бошлади.*

**Оққўрғон:**

## ТОНГЛАРИ ЎЗИДЕК ОППОҚ, БЕҒУБОР

### 1. Бу туман аҳли уддаламайдиган иш йўқ



Мустақиллик йилларида Раҳимжон Ҳакимжонов, Саидкамол Баҳромов, Эргаш Ниёзов, Абдуллажон Астрақулов сингари раҳбарлар етакчилик қилган хўжаликларда муттасил юқори ҳосил етиштириб келинди.

– Бу жиҳатдан 2005 йил туманимиз тарихида алоҳида ўрин тутади, – деган эди "Эл-юрт ҳурмати" ордени соҳиби, таниқли пахтакор Эргаш Ниёзов. – Ўша йили туманимиз мўлжалдагидан 4687 тонна кўп – 43 минг 907 тонна аъло нав пахта етиштирди. Ўнлаб фермер хўжаликлари шартнома режасини 150-165 фоизга етказиб бажаришди.

Сўнгги йилларда пахта ҳосилдорлиги кўтарилиб бораётир. Чунончи, 2008 йили ҳосилдорлик 21,3 центнер бўлса, 2009 йили 25,3, 2010 йили 25,9 центнерга кўтарилди. "Фазлиддин Омонов" фермер хўжалиги шу йилларда 32-33 центнерга етказиб ҳосил олди. "Оллоберди Мурод" фермер хўжалигида ҳам ҳосилдорлик 33 центнерга етиб етди.

Ёки ғаллачиликни олайлик. Шу йилларда фермер хўжаликлари дон сотишни деярли минг тоннага кўпайтиришди. Бунга асосан ҳосилдорликни кўтариш орқали эришилди. Чунончи, уч йил ичида бу кўрсаткич 43,4 дан 58,5 центнерга кўтарилди. "Тўхтабуви Саховат" ва "Ғафуржон Дилноза" фермер хўжаликларида буғдой ҳосилдорлиги 60-61 центнерга чиқди.

Экин майдонларини оптималлаштириш жараёнида 366 та фермер хўжалигида чуқур ихтисослаштириш амалга оширилгач, бугунги кунда улардан 291 таси пахтачилик-ғаллачилик, 42 таси боғдорчилик, 24 таси чорвачилик билан шуғулланмоқда. Бугун битта туман ва 11 та муқобил машина-трактор парки фермерларга кўмаклашаётир. Умуман олганда, қишлоқ хўжалик корхоналари кўраётган фойда муттасил ортиб бориб, 2008 йилги 302,5 миллион сўмдан ўтган йили бир миллиард 82,8 миллион сўмга етди.

Бошқарув ва хўжалик идоралари сўнгги йилларда паррандачилик, балиқчилик ва асаларичиликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратаётир. Шу мақсадда фермер ва хусусий тадбиркорларга кўплаб имтиёзлар берилаётир, кредитлар ажратилмоқда. Натижада паррандалар 24 мингтага кўпайди. Асаларичилик хўжаликлари икки баробар ортди. Ҳозир 8 хўжалик балиқ етиштираяпти.

Саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалигига техника хизмати кўрсатиш ва бошқа замонавий коммуникациялар барқарор ривожланиб бораяпти. Сўнгги уч йилда МТПларда ҳайдов тракторлари 22 тага, ғалла ўриш комбайнлари 7 тага кўпайди.

Туман истиқболини белгиловчи яна бир тамойил диққатга сазовор. Бу ўринда аҳолининг ўсиб бориши билан иқтисодий фаол аҳолининг кўпайишини назарда тутаётирмиз. Сўнгги йилларда ҳар икки кўрсаткич ўртасидаги мутаносиблик айниқса яққол кўрина бошлади. Кичик тадбиркорликни ривожлантириш бу жараёнда асосий ўрин тутаяпти. Янги иш ўринлари ҳам асосан шу ҳисобдан кўпайяпти. Натижада ўрта махсус таълим муассасалари битирувчиларининг 85,5 фоизи муқим иш жойларига эга бўлаётир.

Хулоса қилиб айтганда, унчалик оддий бўлмаган бугунги бозор иқтисодиёти шароитларида Оққўрғонда барқарор ўсиш суръатлари кузатилаётир. Саккизта тармоқдан олтитасининг ялпи маҳсулотдаги улуши 2,5 фоизгача фарқ билан ўсаяпти. Бундай суръатга эришиш, уни сақлаб қолиш ва янада юксалтириш осон масала эмас. Оққўрғонликлар бунинг уддасидан чиқишаяпти.

**РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА**

- *Туман 40 минг гектардан зиёд ҳудудни эгаллайди. Бу ерларнинг 30 минг 927 гектари қишлоқ хўжалигида фойдаланилади.*
- *Экин майдонларига жами узунлиги 191,6 километр бўлган 27 та каналдан сув олинади.*
- *67 та шаҳарча ва қишлоқларда 67 минг аҳоли яшайди. Улардан 41 минг киши ишлаб чиқаришда банд.*




**СУРАТЛАРДА:** (юқорида) Оққўрғоннинг иқболи баланд йигит-қизлари; (пастда) кўчалар файзли, тароватли.

**ҚИШЛОҚ МУЛКДОРЛАРИ**

## МАОШ, МУКОФОТ ВА ҚОП-ҚОП БУҒДОЙ

### «Тангиров Ўткир Устемирович» фермер хўжалиги аъзоларининг ҳалол меҳнатларига яраша моддий рағбат

Давлатимиз раҳбарининг фермер хўжаликлари экин майдонларини оптималлаштириш тўғрисидаги кўрсатмалари жойларда қандай амалга оширилаётгани ва амалда нима бераётгани вилоятимиздаги юзлаб фермерлар фаолиятида яққол кўзга ташлана бошлади. Экин майдонлари кескин йириклашиб, фермер хўжаликларининг иқтисодий салоҳиятлари ҳам шунга монанд мустаҳкамланиб бораяпти.

Қуйичирчиқ туманидаги "Тангиров Ўткир Устемирович" фермер хўжалиги раҳбари Фарҳод Тангиров 1996 йилда бор-йўғи 3 гектар ерда иш бошлаган эди. Бугунги кунга келиб эса, 180 гектар майдонда деҳқончилик қилаяпти. Ҳар йили 100 гектарда ғалла, 80 гектарда пахта етиштиради. Дон комбайнидан бошқа ҳамма техника воситалари ўзида бор.

Ғалла ўрим-йиғими нари борса, бир ҳафталик мавсумий иш. Бу пайтда фермер туман МТПсидан комбайн ёллаб қўя қолади. Ўзининг айтишича, шуниси маъқул. Аввало, иқтисодий жиҳатдан қулай. Масалан, бир гектар ердаги ҳосилни комбайнда ўриб-янчиш 120 минг сўмга тушади. 100 гектар майдонда буғдой етиштирадиган хўжалик учун бу арзимаган чиқим.



– Юртбошимизнинг фермерлар ерини оптималлаштириш тўғрисидаги қарорлари жуда вақтида эълон қилинди ва биз учун айни муддао бўлди, – дейди Фарҳод Тангиров. – Яқинда хўжалигимизга яна 63 гектар ер қўшиб беришди. Эндиги мавсумдан 243 гектар майдонда деҳқончилик қиламиз. Аммо, бу ҳам ҳаммаси эмас ҳали. Пировард мақсадим – экин майдонимизни камида 500 гектарга етказиш.

Биз фермер даласида бўлган кунимиз у ҳосили обдон пишиб етилган 20 гектардаги буғдойга комбайн солиб, ҳосилдорликни чамалаб кўрди. Ўриб-янчилган ғалла 120 тоннадан ошди. Демак, ҳосилдорлик 60 центнернинг устида. Бу йилги мавсумга нисбатан баҳо берилса, анча юқори, ҳатто, энг олди натижа дейиш мумкин. Мавсум эса ғаллачилик учун бирмунча мураккаб келганди. Ўтган куз ва қишда, бу йил кўкламда тайинли ёғингарчилик бўлмади. Ғалла эса ёғин билан бўлади. Фермер гап орасида қишда буғдой майсаларига анчагина қуруқ товуқ гўнги берилганини, бу биринчидан жуда кучли ўғит экани, иккинчидан, намни яхши сақлашини айтиб ўтди. Тўғри, фермер ўз ишини мукаммал билса, ҳар қандай муаммонинг эви топилади.

Ҳозир фермер хўжалиги аъзолари 15 киши. Аммо, ошпаз Холбуви Тангирова бу ҳисобга кирмайди. "Фермернинг онаси бўла туриб хўжаликка аъзо ҳисобланишим раъйимга тўғри келмайди. Бекор ўтиргандан бекор ишла деганларидек, аъзолар ишдан чалғишмасин, вақтлари бор-келга беҳуда кетмасин деб овқатларини пишириб, баҳонада ўзимни ҳам овутиб юрибман-да" дейди ая.

– Тўғри, ошпазлик онамлар учун шунчаки, кўнгилхуши, – дейди Фарҳод Тангиров. – Аслида эса, у киши – менинг биринчи ва ягона маслаҳатчим. Шу пайтгача нимаики қилган бўлсам, онамларнинг маслаҳатлари, йўл-йўриқлари билан бўлди. Нимага эришган бўлсам ҳам аввало шу маслаҳатгўйим, дуогўйим туфайли. "Юртбошимизга раҳмат, ҳукуматга тасанно, ҳамма шароиту имкониятни яратиб бераяпти. Бунинг қадрига етиш, астойдил ишлаш керак. Ҳеч ким меҳнатдан ўлмаган. Аксинча, одам меҳнат билан яшайди, яшнайди" дейдилар икки гапнинг бирида.

– Биз ҳар йили ўрим мавсумида кўплаб фермерларнинг тузини тотамиз, – дейди туман МТПси комбайн оператори Элмурод Эгамов. – Аммо, Холбуви ая пиширган таомнинг таъми бўлакча. Бир тўйиб олсангиз, кечгача толиқмайсиз. Қўллари дард кўрмасин.

Хўжалик буғдойига ўроқ тушганига бир ҳафта бўлаяпти. Демак, мавсум якунланиб қолди. Фермер давлатга шартномадаги 310 тонна ўрнига 400 тонна буғдой топширамиз деганди. Ваъдасини бажаришига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

– Ўзимизга қолгани аъзоларга етиб-ортади, – дейди Фарҳод Тангиров. – Асосий қисмини меҳнатларига қараб тарқатамиз. Қолганини хўжалигимиз эҳтиёжи учун сақлаб қўямиз.

Аъзоларининг турмушини ўйлайдиган фермер кам бўлмайди. Ўзининг айтишига қараганда, аъзолар ойига 150 минг сўмдан маош олишаркан. Йил якунида эса, мукофот ҳам бўлади, албатта. Буларга тарқатилган нақд буғдойни ҳам қўшсак, "Тангиров Ўткир Устемирович" фермер хўжалиги аъзолари қандай яшаётганларини тасаввур қилиш қийин эмас. Оқилона ва ҳалол ишлаган одам яхши яшашга ҳақли, албатта.

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** Фарҳод Тангиров (ўртада) МТП раҳбари Рустам Эгамов ва оператор Элмурод Эгамов билан суҳбатда.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ» ТАНЛОВИГА

# ҚИЙИҚҚА ТУГИЛГАН ТУПРОҚ

**Она Ватанимиз мустақил бўлган куни, падари бузрукворимиз Абдуқодир ота барчамизни йиғиб, ўзлари ош дамладилар. Умрлари давомида ҳаётнинг аччиқ зарбаларини кўп кўрган валинеъматимиз ниҳоятда мамнун эдилар. Ўша куни мен отам учун Ватан нақадар азиз эканлигини тушундим.**



Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон фуқароси сифатида 2001 йили Бирлашган Араб Амирликларига саёҳатга бордим. Кетишим олдидан онажоним дуо қилдилар, отамдан ёдгор қийиқчага Она заминимиз тупроғидан бир сиқим солиб тугдилар, "қийиқчани белингга маҳкам боғлаб юргин", деб насиҳат қилдилар. Ўзим хонадонимиз сувидан бир идишга қуйиб олдим. Ватаннинг бу икки омонати сафар мобайнида доимий ҳамроҳим бўлди. Жазирама иссиқда ўша мамлакат сувидан қанчалик ичмайин, чанқоғим босилмасди. Шундай пайтда она Ватан сувидан бир хўплам ичиб олардим. Бу тафтимни босиб, толиққан жуссамга куч бераётганини, қийиқдаги Ватаним тупроғи эса белимга қувват бағишлаётганини дилдан ҳис этардим, чарчоқларим унутилгандай бўларди.

Бундай дақиқаларни юрагидан ўтказмаган одам бу сўзларимга балки ишонмас. Хорижда юртимни, яқинларимни соғинганимда ана шу бир сиқим тупроғу икки култум сувни қўлимга олиб дардлашгим келарди.

Сафаримиз ниҳоясига етиб, тайёрагоҳга келганимизда, ёнимда олиб юрган сувнинг охирги култумини ичдим. Хориж божхона хизматидан ўтаётганимда унинг ходимлари, белимга боғланган қийиқчага, тўғрироғи унинг ичидаги тупроққа шубҳаланиб қарашди, текшириб кўришларини айтишди. Қийиқчамни ечиб бердим. Улар қийиқчадаги нарса оддий тупроқ эканлигига ишонч ҳосил қилишгач, таажжуб билан бир-бирларига қарашди. Тил биладиган ходимларини чақиртиришди. Тилмочнинг биринчи гапи:

– Бу бизнинг Ватанимиз тупроғимми? – деб сўраш бўлди.

Мен унга "йўқ" деб жавоб бердим. Тилмоч:

– Нима учун бу тупроқни кўтариб юрибсиз? – деб савол берди.

Мен унга:

– Бу она Ватаним – Ўзбекистон тупроғи, у мен учун муқаддас, – дедим.

Сўнг тарихчи сифатида уларга буюк аждодларимиз ҳақида гапириб бердим ва қийиқчадаги тупроқни кўзимга тўтиё қилиб, уларга узатдим. Шунда уларнинг кўзларида ҳайрат сездим. Улар бирмабир она Ватаним тупроғини қўлларига олиб, ҳидлаб, ушлаб кўришди. Сўнг самимий табассум билан ўз тилларида нималардир дейишди, менга оқ йўл тилашди. Уларнинг бу ҳурмати буюк аждодларимизга, она Ватанимизга, меҳри дарё халқимизга, барча ватандошларимга билдирилган эҳтиром эди. Бундан ортиқ бахт борми дунёда!

Озод ва обод Ватанимиз – Ўзбекистонимиз мустақиллигига 20 йил тўлмоқда. Меҳнат, машаққат, яхши ва ёмон кунларни бошимиздан кечирган, асрларга тенг кела оладиган 20 йил! Меҳри дарё, қалби қуёш халқимизнинг, мард ва ҳақиқатпарвар Президентимизнинг буюк матонати, жасорати, ақл ва идроки билан юртимизда осойишталик барқарорлик топган йиллар! Келажакка умид билан, тинчлик билан, хотиржамлик, тўкин-сочинлик билан қадам қўйилган йиллар.

Шу кунларда мамлакатимизнинг барча қишлоқ ва шаҳарларида энг улуғ ва энг азиз айём – Мустақиллигимизнинг 20 йиллик байрамини муносиб кутиб олишга қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Ҳақли равишда "Шарқ дарвозаси" деб ном олган, ҳар биримиз учун фахр ва ғурур, тинчлик-осойишталик ҳамда барқарорлик тимсолига айланган гўзал ва бетакрор диёримизда бугун кўтаринки кайфият ҳукмрон.

Истиқлол бизга нафақат эркинлик инъом этди, балки дунёни теран англаш, воқеа-ҳодисаларни инсонпарварлик нуқтаи назаридан талқин этиш, миллат ва юрт дарди билан яшаш сабоғини ҳам ўргатди. Ватанимиз келажаги ҳақида ҳурматли Юртбошимиз ўз фикрларини билдириб: "Биз қандайдир бечора, кимларнингдир етаклашига муҳтож бўлган давлат ёки халқ эмасмиз, биз кўҳна ва бетакрор тарихга эга бўлган, дунёни ҳайратга солган улуғ мутафаккир ва саркардалар ворисларимиз ва буюк давлат қуришга бел боғлаган халқмиз", дедилар. Ўзини Ўзбекистон фарзанди деб билган, она Ватанимизни чин дилдан севган ҳар бир ватандошимиз ана шу гапларни, эзгу-ниятларни ўз қалбига муҳрлаб, келажак авлодларимиз қалбига жойлаштириб, шу мақсадни амалга оширишга жону жаҳонини бағишламоқда, ўз фарзандлик ва фуқаролик бурчларини муносиб равишда бажармоқда.

**Орифжон НОРТЎРАЕВ,**
**Халқ депутатлари Янгийўл туман кенгаши депутати.**

НИҲОЛ – 2011

**Она табиатнинг бор хосиятини ўзида мужассам этган инсон маънавияти, руҳий олами халқимизнинг бебаҳо бойлигидир. Мустақиллик шарофати тўкислик бағишлаган бу неъмат 20 йил ичида етилиб оқи оққа, қизили қизилга бўйлади, эрк, озодлик, эзгулик ниҳоллари барқ уриб ўса бошлади. Уларни олқишлаб, рағбатлантириш маъносида қилинаётган саъй-ҳаракатлардан бири "Ниҳол" кўрик-танлови санъатни севиб, ардоқловчи иқтидорли ёшларни кашф этмоқда. Улар йилдан йилга кўпайиб, сараланиб, сайқалланиб бормоқда.**



# ҚЎШИҚ САОДАТИМДИР...

Бу йилги "Ниҳол" вилоятимизнинг 18 та туман ва шаҳарларидан иштирок этган 43 истеъдод эгаларини вилоят босқичида яна бир бор саралаб берди. Танловнинг республика босқичига йўлланма олган 14 иштирокчининг ҳар бири ўзига хос иқтидор эгаси. Зангиота, Оққўрғон, Олмалиқ, Қибрай, Ўртачирчиқ, Чиноз ва чирчиқлик санъат ихлосмандларининг маҳорати ҳакамлар ҳайъати томонидан алоҳида эътироф этилди. Дилноза Акбарова, Абдуқосим Қорабоев каби мумтоз қўшиқчилик санъати шайдолари, "Чўпон" рақсини меъёрига етказиб ижро этган Сабина Лэм каби рақс санъати ихлосмандларининг чиқишлари, айниқса, томошабинларга манзур бўлди. Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими ўринбосари Содиқ Абдуллаев жумладан шундай деди:



– "Ниҳол – 2011" кўрик-танлови иштирокчиларининг маҳорати, лаёқати ҳар йилгидан ҳам ўзгача. Жозибали, шўхчан куй-қўшиқларда мустақил Ўзбекистонимиз, эл-юрт меҳри, муҳаббат ва садоқат туйғулари мужассам. Бугунги иштирокчиларимиз Истиқлол байрами арафасида ўтказиладиган "Ниҳол" танловининг республика босқичида вилоятимиз шаънини муносиб ҳимоя қила олишига ишонамиз.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** тадбир иштирокчиларда ҳам, томошабинларда ҳам илиқ таассурот қолдирди.

**Азамат АҲМЕДОВ олган суратлар.**

УЧРАШУВ

# БОЛАЛАР НИШОНГА ОЛГАНДА...

**Ангрен автомобиль мактабида 34-мактаб-интернатнинг бир гуруҳ ўқувчилари меҳмон бўлишди. Ш. Кошов бошчилигидаги гуруҳ болалари автомактаб иш фаолияти ва жамоанинг кундалик ҳаёти билан яқиндан танишдилар.**

Интернет ўқувчилари, айниқса, "Картинг" спорт-техника клубини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар. Клуб эришаётган ютуқлар, ранг-баранг картинг техникалари уларда кучли таассурот қолдирди. Клуб раҳбари, спорт устаси В. Ушека болаларга "Картинг" клуби фаолияти ҳақида батафсил сўзлаб берди.

Учрашув сўнгида болалар ўртасида пневматик милтиқда ўқ отиш бўйича мусобақа ўтказилди. Қизлар ўртасида Лидия Мартинова, ўғил болалар баҳсида Равшан Усмонов биринчи ўринни эгаллашди. Уларга мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

– Болаларимиз автомактабдаги ҳаёт ва иш фаолияти билан яқиндан танишганларидан бениҳоя хурсанд бўлдилар, – дейди 34-мактаб-интернат директори С. Горковская. – Бунинг учун автомактаб раҳбарияти ва жамоасига миннатдорчилик билдирамиз. Ушбу саёҳат ўқувчиларимиз ҳаётида чуқур из қолдириши шубҳасиз.

**Самад ЙЎЛДОШ.**

# МУТАХАССИСЛИГИНГ – КЕЛАЖАГИНГ

**Олмалиқ қурилиш уй-жой коммунал хўжалиги касб-ҳунар коллежида битирувчиларни таълимнинг кейинги босқичига жалб этиш мақсадида "Мутахассислигинг – сенинг келажагинг" касб фестивали ташкил этилди.**

Тадбирга шаҳарнинг барча мактаб битирувчилари таклиф этилди. Коллежнинг фаоллар залида касблар ҳақида батафсил маълумот берувчи кўргазма, фотобанер, касбларга оид макет ва экспонатлар, коллеж ҳаёти акс этган фотоальбомлар, буклет ва ижодий ишлар намойиш этилди.

– Коллежимизга бу йил 360 ўқувчи қабул қилинади ва улар 11 йўналиш бўйича таҳсил олишади, – дейди коллеж директорининг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари Мақсуда Бўриева.

Фестиваль сўнгида коллежнинг "Кўзгу" бадиий ҳаваскор ансамбли намойиш этган саҳна кўринишлари, куй-қўшиқлар иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

**Шоҳиста МАҚСУДОВА.**

**Ёзни болажонлар ўзгача кайфиятда кутиб олишади. Негаки, ёз – дарслардан, уй вазифалари-ю, имтиҳонлардан толиққан ёшларнинг ҳордиқ чиқаришлари учун энг яхши давр. Уч фаслда ҳувиллаб қолган оромгоҳлар ҳам болалар билан гавжум бўлиши табиий, албатта.**

# ШУНЧАКИ ГАП ЭМАС...

БОЛАЛАР ЁЗИ

Бўстонлиқ туманида 30 га яқин болалар оромгоҳлари бор. Улар тоғ ён-бағрида жойлашган бўлиб, сўлим ва гўзал табиати, хуш ҳавоси билан мафтункор. Болажонлар ажойиб табиат қўйнида таътилни мазмунли ўтказиш билан бирга соғликларини мустаҳкамлайдилар. Дам олиш масканлари ҳар мавсумда 4 мингга яқин ўғил-қизни бағрига чорлайди.

"Радуга", "Ёшлик", "Сокол", "Металлург", "Алоқачи", "Келажак" оромгоҳлари июнь ойининг ўрталарида, "Кимёгар", "Чимён", "Ҳумо" кабилар эса ой охирида қабулни бошлайди. Бу масканларга 2 мингга яқин қорақалпоғистонлик ва 1 мингдан зиёд хоразмликлар ҳам ташриф буюришади.

Айтиш жоизки, вилоятимиздаги барча оромгоҳларда мавсумга тайёргарлик ишлари деярли якунланди. "Қуёшли" оромгоҳида бўлган киши уни мутлақо янги қиёфада кўради. У ерда ётоқхона, ошхона, тиббиёт хонаси ва чўмилиш ҳавзалари янгидан қурилди. Энди оромгоҳ замонавий кўринишга эга.

Янги қад ростлаган мўъжазгина ётоқхона "Зангори олов" кўркига янада кўрк қўшди. У 30 кишига мўлжалланган бўлиб, девор рангларидан тортиб, жиҳозларнинг жойлаштирилиши ҳам бир-бирига ҳамоҳанг, ўзига хос услубда. Ётоқхона атрофи ҳам тартибга келтирилиб, турли манзарали дарахт ва муаттар гуллар экилган. Йўлаклар четига ранглар билан безак берилган.

Оромгоҳга кираверишда турли эртак қаҳрамонларининг суратлари пештахталарга тизилган. "Ёз ўтсин соз", "Бола кулса, олам кулади", "Тоза ҳаво – танга даво" каби шиорлар осилган. Атроф қуюқ дарахтзор. Арча ва чинорлар савлат тўкиб турибди. Гап "Металлург" ҳақида. У қайта таъмирланди. Ошхона тартибга солиниб, янги анжомлар келтирилди. Футбол, волейбол, теннис, баскетбол майдончалари янгиланди. Шу билан бирга турли машғулотлар ўтадиган хоналар жиҳозланиб, керакли ашёлар билан бойитилди. Ҳар кеча бир-биридан қизиқарли тадбирлар ўтказишга мўлжалланган очиқ саҳна ва ўриндиқлар болажонларни кутиб турибди. Хуллас, бу йил "Металлург"да дам олиш ҳар йилгиданда яхшироқ бўлиши шубҳасиз.

Болаларни соғломлаштириш оромгоҳи хусусида гап кетганда, "Белдирсой" нақадар катта ҳудудни эгаллаганини ёдимизга тушади. У денгиз сатҳидан 2442 метр баландликда. Салкам 10 гектар майдонни эгаллаган оромгоҳда 1000 дан ортиқ олма, олча, ўрик, гилос, шафтоли, олхўри, нок каби мевали, 800 дан зиёд арча, дуб, қайрағоч каби манзарали дарахтлар бор. Нафис ҳидли ранг-баранг гулларни айтмайсизми. Лола, бинафша, мойчечак...

Оромгоҳга ҳар йили 2 мингдан зиёд болажонлар келишади. Ўғил-қизлар йил давомида олган билимларини бу ердаги инглиз тили, рассомлик, бичиш-тикиш тўгаракларида янада мустаҳкамлашади. Шунингдек, шахмат-шашка ўйнаб, ақлларини чархлашса, "Рақс дастаси"да турли халқлар рақсларини ўрганадилар. 3 мингга яқин турли китобларга эга кутубхона дам олувчиларни зериктирмайди. Яқинда кутубхонага 300 та янги эртак китоблар келтирилди. 20 га яқин тарбиячи, 30 га яқин етакчи эртаю кеч хизматда. Шифокор ва ҳамширалар болалар соғлиғини доим назорат қилиб туришади.

– Тумандаги барча оромгоҳларда мавсум олдидан текширув ўтказдик, – дейди туман давлат санитария эпидемиология маркази шифокори Татьяна Дусабоева. – Камчиликлар бор оромгоҳларга тегишли кўрсатмалар бердик. Ҳозир барча оромгоҳлар мавсумга тайёр.

Мамлакатимизда ёшларга нисбатан бундай эътибор ва ғамхўрликни кўриб, "Ҳамма яхши нарсалар болалар учун" шиори шунчаки гап эмаслигининг шоҳиди бўлдик.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**




***РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА***

- ***Туман саноат корхоналари ўтган йили 34 миллиард 202 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди.***
- ***Қишлоқ хўжалик ялпи маҳсулоти 124 миллиард 810,7 миллион сўмликка етди.***
- ***Асосий капиталга киритилган сармоя 17 миллиард сўмдан ошди.***
- ***Бир йилда аҳолига 52 миллиард сўмликка яқин умумий хизматлар кўрсатилди.***




**Оққўрғон:**

# ТОНГЛАРИ ЎЗИДЕК ОППОҚ, БЕҒУБОР

## 2. Иқтисодиётда янги тамойиллар самараси



Бугунги Оққўрғон асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётган агросаноат тумани сифатида ривожланиб бормоқда. Буни тасдиқловчи кўрсаткичлар сероб. Саноатда ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш сўнгги уч йилда салкам ўн миллиард сўмлик кўпайди. Ўтган йили туман корхоналарида 306 миллиард 747,6 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. "Олимкент пахта тозалаш заводи" очиқ акциядорлик жамиятида ўсиш суръати 106,4 фоизни ташкил этиб, деярли 27 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Иқтисодий ислоҳотлар чуқурлашгани, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари имтиёзлари кенгайгани истеъмол моллари 915,1 миллион сўмлик кўпайишига олиб келди. Ўсиш суръати 116,9 фоизга етди. Аҳолига кўрсатилаётган умумий хизматлар 118 фоиз ўсди.

Кейинги йилларда туман иқтисодиётига хорижий инвестицияларни киритиш саъй-ҳаракатлари амалий тус олди. Чунончи, республика Президентининг "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори асосида "Раксалана Барака Ойл" масъулияти чекланган жамиятида янги лойиҳани амалга оширишга киришилди. Буюк Британиянинг "Реф Лине ЛТД" ва "Раксалана" компаниялари билан маҳаллий инвестор – "Шукур Тожи Барака" хусусий корхонаси ўзаро ҳамкорликда кунгабоқар ёғи ишлаб чиқариш корхонасини ишга тушириш чораларини кўришди. Янги корхона йилига 150 тонна кунгабоқар ёғи ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

315 минг АҚШ долларили бу лойиҳани амалга ошириш жадал бошланиб, ҳозиргача 270 минг долларлик иш бажарилди. Шу йилнинг иккинчи чорагида барча монтаж-созлаш ишлари якунланиб, корхона маҳсулот ишлаб чиқара бошлайди. Янги иш жойларида 50 киши меҳнат қилади. Хом ашёни фермер хўжаликлари етказиб беради.



Туман саноати салоҳияти шу тариқа юксалиб бораётир. Истиқболсиз корхоналарни молиявий соғломлаштириш ҳудудий дастурига мувофиқ озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи янги қувватларни барпо этишга доир яна тўртта лойиҳани рўёбга чиқаришга киришилган. "Мансур Дон" ва "Эркин Отабек" хусусий фирмалари ҳамкорликда хорижий технологияларга асосланган нон ишлаб чиқарувчи янги қувватни ишга туширишди.

Паррандачиликни ривожлантириш борасида "Покиза-М" фермер хўжалигининг саъй-ҳаракатлари диққатга сазовор. Бу ерда 10 мингта товуқ боқишга мўлжалланган лойиҳа амалга оширилди. "Агробанк"нинг туман филиали ажратган 100 миллион сўм миқдоридаги кредит ва ўз маблағи ҳисобидан учта паррандачилик биноси қурилди. Лойиҳа жадал амалга оширилиб, ўтган йили декабрь ойидаёқ 5 миллион сўм даромад кўрилди.

Туманда қишин-ёзин сабзавот маҳсулотлари етиштиришга ихтисослашаётган хўжаликлар кўпайиб бораётгани қувончли. Иссиқхоналарни кенгайтириш бўйича 2010-2012 йилларга мўлжалланган манзилли дастур изчил бажарилаётир. Дастлабки қадам сифатида "Бекзод Баҳодир ўғли" фермер хўжалигига иссиқхоналар қуриш учун бир гектар ер майдони ажратиб берилди. Йилига 20 тонна сабзавот етиштирилувчи иссиқхона қурилиши бошланган. "Олия ая", "Шавкатбек", "Қўчқор чавандоз", "Эшимхон фарзандлари" фермер хўжаликлари ҳам шу ҳаракатда. Улар ўз лойиҳаларини амалга оширгач, иссиқхоналар йилига 160 тонна сабзавот етиштириш қувватига эга бўлади.

Иқтисодиётни ривожлантиришнинг янги тамойиллари бераётган самаралар тобора яққол бўй кўрсатмоқда. Хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаб, сўнгги бир йилда тижорат банклари 3 миллиард 489,5 миллион сўм кредит ажратди. Уларда аҳолининг 78,8 фоизи меҳнат қилмоқда. Бу саъй-ҳаракатларнинг амалий самараларида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши 2011 йилнинг биринчи чорагида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 15,8, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш соҳасида 100, қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулотида 99,9, капитал қўйилмаларда 51, пудрат ишлари ҳажмида 100, пулли хизматларда 40,5 фоизни ташкил этди. Ташқи савдо айланмасида ҳам тадбиркорлар улуши 100 фоизга етди. Бу йил Оққўрғон шаҳри, Олимкент шаҳарчаси ва қишлоқларда деярли 4 мингта янги иш ўринлари яратиш қизғин давом эттирилаётир.

**СУРАТЛАРДА:** (юқорида) «Бурхон» фермер хўжалиги раҳбари Бурхон Қурбонов ва механизатор Бунёд Қурбонов ғўза ривожидан хурсанд; (пастда) «Асадбек-Сарвиноз» балиқчилик хўжалиги раҳбари Шарофат Соибназарова ҳамиша янги режалар билан яшайди.

# МАХСУС ОРОМГОҲДА ДАМ ОЛАДИ

**Паркентдаги 1-умумий ўрта таълим мактабининг 6-синф ўқувчиси Абдумўмин Маҳмудов билимлар синовида ўзи яхши кўрган география фани бўйича қатнашиб, дастлаб мактабда, сўнг туман, вилоят, ундан сўнг эса республика босқичида ғолиб бўлди.**

Қувончлиси шундаки, республика босқичида иштирок этган 513 ўқувчи орасида иқтидори ва истеъдоди билан ҳайъат аъзоларини ҳайратга солган А. Маҳмудов Низомда кўрсатилган беш шартнинг ҳаммасига вақтдан илгари жавоб берди.

Энди Абдумўмин Маҳмудов ёзги таътилини республика миқёсидаги интеллектуал-соғломлаштириш оромгоҳида ўтказади.

**Дилфуза МИРОБИДОВА.**

# ОГОҲЛИК – ДАВР ТАЛАБИ

**"Камолот" ЁИҲ туман кенгаши ижтимоий-маънавий барқарорликни сақлаш, диний ақидапарастликнинг олдини олиш мақсадида "Огоҳликни мен қандай ҳис этаман" мавзусида Юқоричирчиқ туманининг Суранкент қишлоғи ёшлари билан "Жалолтепа" маҳалласида давра суҳбати ўтказди.**

Тадбирда иштирок этган туман имом-хатиби, хотин-қизлар қўмитаси ҳамда "Камолот" вакиллари турли оқимларга эргашиш ва ақидапарастлик каби иллатларнинг олдини олишга оид кенг маълумотлар беришди. Тадбир қизғин мунозара ва савол-жавоб руҳида ўтди.

**Гўзал КАРИМОВА.**

АКС-САДО

# БОШҚАЛАРГА ИБРАТ БЎЛСИН

**Одам савдоси, шубҳасиз, мудҳиш иллат. Бу жиноятга қарши курашиш борасида қонунчилигимиз мустаҳкамланиб бораётгани, жиноятчилар жазога тортилаётганига қарамай, товламачиларнинг ширин ёлғонига учиб, азият чекаётганлар ҳамон топилади.**

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2011 йил 25 май сонида чоп этилган "Ёлғон ваъдаларга учмагин, дўстим..." сарлавҳали мақолани ўқиб, шундай хулосага келдим. Ушбу ҳолатда-ку, айбдорлар жазосини тортибди, адолат тантана қилибди. Аммо турли истиҳола ва сабабларга кўра, додини бировга айтолмаган жабрдийдалар қанчайкин?! Шуларни ўйлаб, одам савдосини ўзига касб қилиб олганларга нафратим ошади, уларга ҳар қандай жазо кам, дегим келади. Бундай кимсалар қонуний чоралардан қутулиб қолган тақдирда ҳам, халқ нафратидан, жабрдийдалар қарғишидан омон қолармиканлар?! Наҳот шу ҳақда ўйлаб кўришмаган бўлишса?!

Яхшиям бундайларнинг кирдикорлари ўз вақтида ошкор бўлиб, матбуот саҳифаларида чоп этилиб, одамларга ибрат бўлмоқда. Бундай мақолалар ҳали товламачилар тўрига тушмаган бошқа инсонларни ширин алдовларга учмаслик ҳақида огоҳлантириши шубҳасиз.

**Одилжон МИРАҲМЕДОВ,**
**Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри.**

20 йил

Оққўрғон:

# ТОНГЛАРИ ЎЗИДЕК ОППОҚ, БЕҒУБОР

## 3. Эл-юртни англаш – Ватанни англаш демак



**РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА**

- ***Қишлоқларда ижтимоий инфратузилма йил сайин кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда 325 та корхона аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатаяпти.***
- ***12 та қишлоқ врачлик пункти бир йўла 1685 беморга тиббий хизмат қилади.***
- ***Дорихоналар тармоғи кенгайиб, 22 тага етди.***
- ***Қишлоқларда 6 та сайилгоҳ боғ барпо этилди. Уларнинг иккитасида аттракционлар ишлаб турибди.***
- ***Кинотеатр, маданият саройи ва учта миллий маданий марказ аҳолининг маънавий тарбиясига салмоқли ҳисса қўшаяпти.***
- ***12 та боғча, 49 та мактаб, 5 та коллежда янги авлод билим олиб, касб-ҳунар эгалламоқда.***



Туман халқ таълими ходимлари Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма йиллигини нишонлашга тайёргарлик жараёнида "Буюк ва муқаддассан, мустақил Ватан!" шиори остида ўтказиладиган ташкилий-амалий, маданий-маърифий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини фаол амалга оширишаётир. Бой тарих ва меросимиз, кўҳна урф-одат ва анъаналаримизнинг қайта тикланганлиги, бугунги кунда меҳр-оқибат, бағрикенглик, ҳамжиҳатлик каби эзгу фазилатлар, миллий ва умумбашарий қадриятларга уйғун бўлиб яшаш ҳаётимиз қоидасига айланиб бораётганлиги кенг тарғиб қилинмоқда.

Ўқувчилар ўртасида "Ўзбекистоннинг етти мўъжизаси", "Ягонасан, муқаддас Ватан!" кўрик-танловлари ўтказилаяпти. "Ватаним тарихини ўрганаман" мавзусидаги иншолар танловида 48-умумтаълим мактаби 9-синф ўқувчиси Ўғилой Баҳромова туманда 1-ўринни олиб, вилоят босқичида иштирок этди. "Озод юрт манзаралари" мавзусида ўтказилган расмлар танловида 11-умумтаълим мактаби ўқувчилари фахрли 1-ўринни эгаллашди. 19-умумтаълим мактабининг "Турон" гуруҳи "Аждодлар меросини ўрганамиз" танловининг республика босқичида иштирок этишди.

– Қизларимиз бу танловда ғолиб чиқиш учун жиддий тайёргарлик кўришди, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати мактаб бошланғич ташкилоти етакчиси Зилола Укибоева. – Дилдора Жўрабекова, Сарвиноз Умарова, Моҳинур Боирова, Хумора Улуғбекова ва Дурдона Сафаровадан иборат жамоамиз олий ўринга лойиқ топилди.

– Биз фарзандларимизга шу руҳда сабоқ бераяпмиз, – деди туман халқ таълими бўлими мудири Сманали Саидаҳмедов. – Зеро, эл-юртни англаш Ватанни англаш, унга садоқат билан хизмат қилиш демакдир.

Мустақилликнинг 20 йиллиги олдидан музейларда, хотира хиёбонларида ижтимоий фанлардан очиқ дарслар ташкил этилмоқда. "Мустақилликка – йигирма йил" мавзусида умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг Тошкент шаҳрига саёҳатлари уюштирилди. Таълим муассасаларида "Айтгил дўстим, нима қилдик Ватан учун" мавзусида маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилмоқда. Уларга ҳаётий тажрибага эга маҳалла оқсоқоллари, кайвони онахонлар таклиф этилиб, суҳбатлар ўтказилмоқда.

Мустақиллик йилларида Юртбошимиз раҳнамолигида ишлаб чиқилган, жаҳон тажрибасида "Ўзбек модели" сифатида эътироф этилган, миллий анъаналарга ва илғор хорижий стандартларга асосланган малакали кадрлар тайёрлаш тизими ўзининг кенг қамровлилиги билан мамлакатимизнинг ёрқин келажагини қуришда ҳал қилувчи аҳамият касб этмоқда.

Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури бўйича мактабларни капитал реконструкциялаш ва таъмирлаш, қурилиш ишлари авж олдирилди. Айни пайтда улар замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан таъминланди. Фақат сўнгги бир йилда 8 та мактаб мебель, ўқув-лаборатория асбоб-ускуналари, компьютер техникалари, спорт анжомлари ва махсус жиҳозлар олди.

Ўтган ўқув йилида дастурга мувофиқ 22 та мактабда замонавий компьютер техникалари ўрнатилиб, энг сўнгги русумдаги компьютерлар билан таъминланган мактаблар 26 тага етказилди. Умумтаълим мактаблари "ZioNET" тармоғига уланган бўлиб, ахборот-таълим порталининг ахборотлар "Веб-мактаб" деб номланган саҳифасида республикамизнинг барча мактаблари қатори асосий маълумотлар киритилган.

Давлат таълим стандартлари, янги педагогик технологиялар ўқитувчиларда дарсларни ижодий ташкил этишга интилишни кучайтириб юборди. Расм-чизмачилик фани ўқитувчиси Исломжон Раҳмоновнинг изланишлари ва эришаётган натижалари айниқса ибратли. Ташаббускор устоз дастлаб "Мактабда китоб санъати" услубий қўлланмасини яратди. Уни республика таълим маркази нашр эттириб, мактабларга тарқатди. У "Йилнинг энг яхши фан ўқитувчиси – 2009" кўрик-танловида иштирок этиб, республика босқичида 2-ўринни эгаллади. Ўз изланишларини давом эттириб, 4-синфлар учун мўлжалланган "Тасвирий санъат" дарслигини яратди. Халқ таълими вазирлиги маъқуллаган бу дарсликни 2011-2012 ўқув йилида жорий этишга қарор қилинди. Изланувчан устознинг шогирдлари фан олимпиадаларининг турли босқичларида ҳамиша муваффақиятли иштирок этишаяпти.

16-мактабнинг география фани ўқитувчиси Каромат Норжигитованинг таълим-тарбия соҳасидаги муваффақиятлари "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси" унвони, "Шуҳрат" медали билан тақдирланди. Ўз фанининг билимдонидан сабоқ олган 12 ўқувчи устоз касбини танлаб, география фани ўқитувчиси бўлиб етишди.

Ноанъанавий дарс машғулотлари, очиқ дарслар фестивали йил сайин кенгайиб бораяпти. Тўққизта мактабда ЮНИСЕФ халқаро ташкилотининг "Болаларга дўстона муносабат" дастури асосида иш олиб борилаётир. 6-мактабда ўтказилган амалий ўқув семинарида 37 ўқитувчига шу нуфузли ташкилотнинг сертификатлари топширилди.

Бугунги кунда таълим муассасалари нафақат ёшлар учун билим маскани, балки қишлоқда асосий маданият, маънавият ва маърифат ўчоғига айланиб бораяпти. Кекса авлод вакиллари, суд-ҳуқуқ идоралари ходимлари билан учрашувлар, давра суҳбатлари ўқувчилар дунёқарашини кенгайтириб, муқаддас Ватанимизга муҳаббат руҳи кучайишига, қишлоқларда соғлом турмуш тарзи қарор топишига хизмат қилаяпти. Шу тариқа ўзликни англаш орқали янги авлод вояга етмоқда.

**СУРАТДА:** (юқорида) болаликнинг беғубор ва бахтиёр онлари; (пастда) компьютер хонасидаги машғулотлар ҳамиша қизиқарли.

---

XXI аср ва дунё

## БОЛГАРИЯ ВА РУМИНИЯ ШЕНГЕНГА КИРИТИЛМАДИ

**9 май куни мажлисга тўпланган Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар Ички ишлар вазирлари Руминия ва Болгарияни Шенген доирасига қабул қилишни орқага суриш ҳақида қарор қабул қилишди. Associated Press шу хабарни тарқатди.**



Novinite.com маълумотларига кўра, Руминия ва Болгария ҳукуматлари қонунчилик соҳасида зиммаларига илгари юклатилган барча талабларни бажарганлар. Шу билан бир вақтда Novinite.com европалик вазирлар евродепутатлар фикридан қониқмаганларини маълум қилди. ЕИ аъзоси бўлган қатор мамлакатлар бу икки давлат чегаралардаги назоратларни кучайтирганларини тан олиш билан бирга, Руминия ва Болгария ҳукуматларининг жиноятчиликка қарши кураши якунлари ҳақидаги йиллик маъруза чоп этилишини кутишга келишишди. Ушбу ҳужжатни июль ойида эълон қилиш мўлжалланган. ЕИ мамлакатлари вазирлари уни сентябргача кўриб чиқишмоқчи.

Аввал бошда, норасмий режага мувофиқ икки давлат аризаси 2011 йил март ойида кўриб чиқилиши керак эди. Бироқ, номзод давлатлардаги ички вазиятдан норози ЕИ мамлакатларининг нуқтаи назари туфайли қарор кечиктирилган эди.

## ШИРАК САРКОЗИНИ АСАБИЙ ВА ЖИЗЗАКИ ДЕДИ

**Франциянинг собиқ президенти Жак Ширак ҳозирги давлат раҳбарини асабий ва жиззаки эканлигини таъкидлади.**

The Daily Telegraphнинг маълум қилишича, бундай тавсиф Ширак мемуаридан жой олган. Ушбу хотиралар китобининг иккинчи жилди 13 июнда чиқиши кутиляпти.

Собиқ президентнинг гапларига қараганда, унинг ва Саркозининг Франция ҳақидаги тасаввурлари турлича. Ширакнинг таъкидлашича, ҳозирги давлат раҳбари жамиятдаги зиддиятни янада кучайтирмоқда. Шу билан бирга Ширак Саркозининг "ғайрат-шижоатли" эканлигини, шунингдек, тактик маҳоратини, матбуот билан тил топа олишини эътироф этади.

Саркози Ширакнинг энг яқин кишилари доирасига 1980 йилда, яъни Париж шаҳри ҳокими бўлган пайтда кириб келган. Бироқ, 1995 йилги президент сайловлари чоғида Ширакнинг рақобатчиси Эдуар Балладюрни ёқлаб овоз берган. Шундан сўнг бу икки сиёсатчининг муносабатлари бузилган.

## ЎТТИЗ ЙИЛЛИК ҚАМОҚ КУТАЯПТИ

**Чикаголик 50 ёшли бизнесчи Таҳаввур Хусейн Рана 2008 йил ноябрда Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳридаги террорчилик ҳаракатларини тайёрлаш борасида айбдор эмас деб топилди.**

AFP агентлигининг ёзишича, Чикаго маслаҳатчилар суд мажлиси коллегияси 9 июнь куни шундай ҳукм чиқарди. Аммо, маслаҳатчилар Даниядаги Jyllands-Posten газетасига қарши амалга ошмай қолган террористик актни тайёрлашда Ранани айбдор деб топдилар. Ушбу газета Муҳаммад пайғамбарнинг ҳажвий расмини эълон қилиб, шов-шувга сабаб бўлган эди.

Бундан ташқари, Рана Покистоннинг "Ал-Қоида" билан алоқадор "Лашкар-и-Тайба" исломий гуруҳини моддий қўллаб-қувватлашда ҳам айбланмоқда. Покистондан чиққан канадалик Таҳаввур Хусейн Рана ҳар икки жиноятни учун 30 йил қамоқ жазосига ҳукм қилиниши мумкин.

Рана 2009 йил октябрда Покистондаги ҳарбий академияда бирга ўқиган ўртоғи АҚШлик Дэвид Колман Хэдли билан бирга ФБР томонидан ҳибсга олинган эди.

Мумбайдаги қатор қўпорувчилик ҳаракатлари жараёнида 200 киши қурбон бўлиб, 300 дан зиёд киши жароҳатланган эди.

## ҚОРА КУРСИДА ЎН ЕТТИ КИШИ



**Индонезиянинг Марказий Ява музофоти пойтахти Семаранг шаҳри суди маҳаллий 17 кишини христианларни дўппослашда иштирок этганликда айблаб, ҳукм чиқарди.**

AFP агентлиги тарқатган хабарда айтилишича, уларга давлат мулкини йўқ қилиш ва черковларга ҳужум қилишда қатнашганлари учун 4-5 ой муддатга қамоқ жазоси тайинланган. Аввалига прокуратура жиноятчиларнинг ҳар бирини ўн ойга қамашни талаб қилган. Аммо, суд уларнинг адлия билан келишувга амал қилганларини эътиборга олди.

Кейинчалик яна 9 киши суднинг қора курсисига ўтиради. Улар орасида дўппослашни уюштиришда гумон қилинаётган маҳаллий ислом ҳаракати етакчиси ҳам бор. The Jakarta Globe газетаси сал аввалроқ бу жиноий ишга алоқадорлар рўйхати 25 кишидан иборатлигини маълум қилганди.

Илоҳиёт мутахассисини иғво уюштиргани учун давлат айблови бўйича бир йил муддатга турмага қамаш талаб этилади. Ушбу моддадаги энг юқори жазо эса 6 йилга қамашдир.

Христианларни таъқиб этиш жараёнларида иккита черковга ўт қўйилди, биттаси эса талаб кетилди. Бир ярим минг кишилик оломонни полициячилар кўздан ёш оқизувчи газ воситаси ҳамда осмонга ўқ узиб, тарқатиб юбордилар.

Индонезия дунёдаги мусулмонлар кўп яшайдиган мамлакатлардан бири ҳисобланади. Христианлар эса 9 фоизга яқин, холос.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

---

ОЛОВ – ТИЛСИЗ ЁВ

# НОХУШ ҲОЛАТ КЕЛИБ ЧИҚМАСИН ДЕСАНГИЗ

**Вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги хизмати саноат корхоналари, билим юртлари, мактаб, боғча, маҳалла ва аҳоли тураржойларида ёнғиннинг олдини олиш учун режали текширувлар ўтказмоқда. Фуқаролар билан учрашув ва суҳбатлар уюштирилиб, ёнғин хавфсизлиги қоидалари тушунтирилмоқда. Бундан ташқари, газ ва электр тармоғи корхоналари ва ўзини ўзи бошқариш органлари ходимлари билан ҳамкорликда аҳоли тураржойларида рейдлар ўтказилаяпти.**

Текширувлар давомида электр ва газдан ноқонуний фойдаланиш, табиий газ ускунасини ўзбошимчалик билан уй балконларига ҳамда бошқа жойларга ўрнатиш, газ ускуналарини резина шланг орқали улаш ҳолатлари аниқланиб, хонадон газ ва электр манбаидан узилиб, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган ҳолда мутасадди идораларга топширилмоқда.

Лекин доимий огоҳлантириш, тинимсиз тушунтириш ишларига қарамай, катта моддий ва маънавий зарар етказаётган ёнғинлар ҳамон рўй бераяпти.

Шу йилнинг ўтган даврида вилоятимизда жами 463 та, шу жумладан фуқароларнинг тураржойларида 379 та ёнғин содир бўлди. "Тилсиз ёв" 8 кишининг ўлимига, 14 кишининг куйишига сабаб бўлди.

Айниқса, Олмалиқ, Ангрен, Чирчиқ шаҳарлари, Зангиота ва Янгийўл туманларида содир бўлган ёнғинлар аянчли оқибатларга олиб келди, инсонлар ҳаётига зомин бўлди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, ёнғинларнинг 34,6 фоизи (160 та) печь ва газ қурилмалари 26,4 фоизи (122 та) электр мосламаларининг носозлиги ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши оқибатида, 24,1 фоизи (112 та) оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш, 8 фоизи (37 та) болаларнинг олов билан ўйнаши ва 6,9 фоизи (32 та) бошқа сабабларга кўра юз берган.

Жумладан, Бекобод шаҳар Ҳамид Олимжон кўчаси 66-уйда яшовчи А. Юсуповга қарашли хонадонда электр ускунасини монтаж қилиш қоидаси бузилиши натижасида ёнғин содир бўлиб, уй томи, шифти, жиҳозлари ёниб кетди, уй эгаси жароҳат олди ва катта моддий зарар кўрди.

Зангиота тумани Масалбой қишлоғи У. Убайдуллаев кўчаси 31-А уйда печдан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши натижасида ёнғин содир бўлиб, уй ва жиҳозлари ёниб, хонадон соҳиби Р. Ғуломов катта моддий зарар кўрди.

Зангиота тумани Қизғалдоқ қишлоғи Нодира кўчасидаги Р. Ҳодиева уйида оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш натижасида содир бўлган ёнғин ҳам шундай оқибатларга олиб келди.

Оққўрғон тумани Қаҳрамон қишлоғида яшовчи Х. Хайтўраевга қарашли уйда эса иситиш печи дудбуронининг носозлиги ёнғинга сабаб бўлди.

Қачонки, уй эгалари ва жамоатчилик ҳамиша ҳушёр бўлиб, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этгандагина бундай нохуш ҳолларнинг олдини олиш мумкин бўлади. Пешона тери тўкиб, ҳалол меҳнат қилиб топган мол-дунёим бир неча сонияда кулга айланмасин ва фожиа қурбони бўлмай десангиз, олов билан ўйнашманг.

**Фахриддин АБДУМАВЛОНОВ, вилоят ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси.**

# БЕҒУБОР БОЛАЛИК

**Ўзбекистон Халқ демократик партияси Оҳангарон шаҳар кенгаши 53-умумтаълим мактабидаги "Истиқлол" ёшлар қаноти билан ҳамкорликда "Истеъдод ғунчалари" кўрик-танловини ўтказди.**

Тадбирда ўқувчилар 3 шарт бўйича беллашдилар. Биринчи шартга кўра, қатнашчилар ўз мактаблари тарихини бадиий чиқишлар воситасида кўрсатиб беришди. Иккинчи шартда Конституция бўйича билимлар синовдан ўтказилди. Учинчи шартда эса санъат, шеърият ва мусиқа йўналишлари бўйича истеъдодли ўқувчилар аниқланди.

Ҳакамлар ҳайъати 53-мактабнинг "Бахтли болалик" жамоасини 1-ўринга лойиқ деб топди. 57-мактабнинг "Ҳумо" жамоаси 2-ўрин, 41-мактабнинг "Баркамол авлод" жамоаси 3-ўринни эгаллади. Шунингдек, кўрик-танловнинг "Энг фаол жамоа", "Энг иқтидорли ўқувчи" номинациялари бўйича ғолиблар ҳам аниқланиб, ЎзХДП Оҳангарон шаҳар кенгаши ва "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

**Абдулла ФАЙЗИЕВ.**

# ҚЎЛИ ГУЛДИР ЎЗБЕК АЁЛИН

**Ғазалкент шаҳридаги марказий Маданият саройида Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилига бағишлаб "Қўли гулдир ўзбек аёлин" кўргазмаси ташкил этилди.**

Унда туманнинг қишлоқ ва маҳаллаларида яшовчи ҳунарманд аёллар ўзлари яратган ижодий ишлари билан иштирок этдилар.

Кўргазмага асосан ота-боболаримиздан бизгача етиб келган миллий урф-одат ва қадриятларга мос ижодий ишлар қўйилди. Айниқса, Навобод қишлоғилик Фотима Носированинг келинчаклар учун қуроқ, дўппи, чимилдиққа мўлжалланган қуроқ ёпинчиқлари кўпчиликка манзур бўлди.

**Суннат МУСАМЕДОВ.**

# ХАЛҚАРО ТЕАТР ФЕСТИВАЛИ

**Ўзбекистон Ёшлар театрида жорий йилнинг октябрь ойида пойтахтимизда ўтказиладиган иккинчи Theatre.UZ халқаро театр фестивали олдидан матбуот анжумани бўлиб ўтди.**

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектеатр" бирлашмаси ҳамкорлигида ташкил этилган халқаро театр фестивалининг бу йил анъанавий Art Week Style.uz санъат ҳафталиги доирасида ўтказилаётганлиги кўпроқ аҳамиятлидир.

Мазкур фестиваль пойтахтимиз саҳналарида маҳаллий ва хорижий театр ютуқларини кўрсатиш, уларнинг ижодий салоҳиятини намойиш қилиш ва улар ўртасидаги дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, мазкур санъат турига жамоат эътиборини кенгроқ жалб этишга йўналтирилган.

**"Туркистон-пресс".**

ООО "Miltonia Pharma", зарегистрированное инспекцией по регистрации субъектов предпринимательства Шайхантахурского района 06.07.2010г. № R-002858-09 сообщает об уменьшении уставного фонда с зарегистрированного размера 192.000.000 сум до 100.000.000 сум.

ООО "ETA FOODS" (ИНН 300959664), зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района г. Ташкента № 002474-01 от 07.05.2009г., г. Ташкент, ул. Замахшарий, 5-проезд, дом 27, **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (протокол общего собрания учредителей от 10.06.2011г.).

Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования объявления.

КОНФЕРЕНЦИЯ

# БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ ТАЪЛИМИ

## *келажак авлод манфаати ва камолотини кўзлайди*

ЮНЕСКОнинг 2003-2014 йилларга мўлжалланган "Таълим соҳасида барқарор тараққиёт ўн йиллиги"ни амалга оширишга бағишланган халқаро дастури табиий офатлар оқибатини камайтириш, иқлим ўзгариши, ичимлик суви ва озиқ-овқат хавфсизлиги, табиий неъматлардан оқилона фойдаланиш ва шу каби йўналишларни ўзида мужассамлаштирган ҳолда иш юради. Айтиш жоизки, барқарор тараққиёт таълими – ёшларда фанлараро ёндашувни шакллантириш, мустақил ва танқидий фикрлашга ўргатиш, ахлоқий ва экологик меъёрларга риоя қилиш билан бирга уларнинг бу борадаги билим ва кўникмаларини ошириш каби қатор вазифаларни қамраб олган.

Республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамкорлигида ўтказилган илмий-амалий конференция "Ўзбекистон: таълимни барқарор ривожлантириш мақсадларида" мавзусига бағишланди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, идоралараро мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари ҳамда эколог олимлар, қатор вазирлик ва идоралар ходимлари иштирок этишди.

Конференция "Ўзбекистон Республикасининг Таълимни барқарор ривожлантириш мақсадларида концепцияси" билан атрофлича танишиш ва галдаги вазифаларни белгилаб олиш мақсадида ташкил этилди.

Сўзга чиққанлар келажак авлод имкониятларига путур етказмай, бугунги эҳтиёжни қондириш, шунингдек, иқтисодиёт, жамият, атроф-муҳит каби ўзаро боғлиқ масалаларга алоҳида тўхталдилар. Шунингдек, Барқарор тараққиёт таълими стратегик вазифаларини давлат дастурларида акс эттириш, олий ўқув юртлари педагогларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги салоҳиятини янада ошириш, ахборот-коммуникация технологияларини ишлаб чиқиш ва амалда қўллаш хусусида таклифлар киритилди.

**Гулруҳ ЗОКИРОВА.**

**«ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ШАҲАРЛАРАРО ЙЎЛОВЧИ ТАШИШ АВТОСАРОЙИ»**

**масъулияти чекланган жамият аъзоларининг 27 май 2011 йилдаги навбатдан ташқари йиғилиш қатнашчилари қарорига (баённома № 3) биноан "Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчи ташиш автосаройи" масъулияти чекланган жамият аъзолигига кирмаган "Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчи ташиш автосаройи" ОТАЖнинг собиқ акциядорларига акцияларига тўлов ҳақида хабар беради. Собиқ "Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчи ташиш автосаройи" ОТАЖнинг акциядорлари 2011 йил 1 августгача бухгалтерияга учрашсин ва акцияларини сотиш истагини билдиришсин.**

***"Тошкент вилояти шаҳарлараро йўловчи ташиш автосаройи" масъулияти чекланган жамият раҳбарияти.***

20 йил

**Оққўрғон:**

# ТОНГЛАРИ ЎЗИДЕК ОППОҚ, БЕҒУБОР

## 4. Спорт соҳасида ўзига хос мактаб яратишаяпти



Бугун Оққўрғонда етти ёшдан етмиш ёшгача ҳамма спорт билан шуғулланади дейишса, ажабланманг. Буни енгил атлетика бўйича яқинда Тошкентда ўтган Ўзбекистон биринчилиги ҳам тасдиқлади. Кроссда 24 югуриш ишқибози Оққўрғон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Уларнинг тенг ярми 43 ёшдан 71 ёшгача бўлган кишилар.

– Бу оммавий югуриш мени ёшартириб юборгандек бўлди! – масофани енгилгина босиб ўтган 71 ёшли Рисқул Шокиров финиш чизиғидан ўтгач, шундай деди.

Ёш спортчиларнинг 5000 метр масофага югуриш мусобақасида Ҳамид Олимжон қишлоғи вакили Рустам Абралов 17-18 ёшлилар ўртасида республика ғолиби бўлди. Султонобод қишлоғида яшовчи 51 ёшли Абдуносир Назаров 300 метрли масофани тўртинчи ўринда босиб ўтди. 50 ёшли Саидкарим Тасбулатов 3000 метрга бешинчи бўлиб етиб келди. Ўзбекистон қишлоғидан 17 ёшли Гулираъно Ҳамроева 3000 метрга югуришда олтинчи ўринни эгаллаб, вилоят умумжамоаси ҳисобига муҳим очко олиб берди.

Оққўрғонликлар ёзги биатлон, енгил атлетика, сузиш турлари бўйича вилоят биринчилигида ғолиб чиқдилар. Айниқса, қишлоқ қизлари спорт билан шуғулланишга дадил киришишаётгани диққатга сазовор. Бунда "Камолот" ғунчалари" мусобақаларининг аҳамияти катта бўлмоқда. Қизлар футбол жамоаси уч карра вилоят чемпиони бўлди, мамлакат биринчиликларида тобора муваффақиятли қатнашаяпти. Жамоанинг уч аъзоси – Гулшан Шодиева, Юлдуз Набиева, Умида Худойбоқова Ўзбекистон терма жамоаси таркибида тўп суришаяпти.

**РАҚАМЛАР ТИЛГА КИРГАНДА**

- ***Туманда 2008-2009 йилларда жами 1275 ўқувчи ўрнига эга иккита касб-ҳунар коллежи қурилиб, 7 та мактаб капитал реконструкциядан чиқарилди.***
- ***Сўнгги уч йилда 21 аҳоли пунктига ичимлик суви етказиб берилди.***
- ***Қишлоқларда деярли 15 километр янги газ тармоқлари тортилиб, уч йилда 6 та қишлоқ газлаштирилди.***
- ***Мустақиллик йилларида ўйингоҳ ва спорт заллари 26 тага, спорт майдончалари 184 тага етди.***

Қишлоқ қизи Мафтуна Маматқулованинг спорт соҳасидаги қадамлари янада ибратли. Турли давралардаги суҳбатлар чоғида бу ёш шахматчи қизнинг номини қайта-қайта тилга олишди. Бу бежиз эмас, албатта. У 39-мактабда ўқиб юрганидаёқ иқтидорини намоён эта бошлаган эди. Ҳозир уй-жой қурилиши ва коммунал-иқтисод коллежида жисмоний тарбия ва болалар спорти йўналиши бўйича таҳсил олаяпти. Беш йилдан буён болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг юқори малакали мураббийлари қўли остида шахмат билан жиддий шуғулланаяпти.

– Мафтунанинг шахмат соҳасида мавқеи тез юксалиб бораяпти, – деди спорт мактаби директори Зулхумор Аҳмедова. – Дастлаб Қаршида ўтган "Умид ниҳоллари" ўйинларида тўртинчи ўринга кўтарилди. Орадан икки йил ўтиб, Чирчиқда ўтган мамлакат чемпионатида иккинчи ўринни эгаллади. Ниҳоят, ўтган йили йигирма ёшгача бўлган шахматчи қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпиони бўлди. Эрон, Хитой, Греция мамлакатларида ўтган халқаро мусобақаларда муваффақиятли иштирок этди. Шу кунларда "Баркамол авлод" спорт ўйинлари ва Филиппинда ўтадиган Осиё чемпионатига тайёргарлик кўраяпти.



Мафтуна ўқиётган коллежда Ўзбекистоннинг яна бир спорт юлдузи таҳсил олаяпти. Яқинда туман аҳолиси боксчи Бахтиёр Каттахўжаевни улкан ғалаба билан олқишлади. У универсал жанг тури бўйича Тошкентда ўтган Осиё биринчилигидан чемпионлик камари билан қайтди. У Япония, Сурия, Ҳиндистон, Афғонистон, Туркия, Қозоғистон, Тожикистон сингари 12 мамлакатнинг кучли спортчиларини ортда қолдирди.

– Бунгача Бахтиёр уч карра камар соҳиби, Ўзбекистон чемпиони бўлган эди, – дейди мураббий Ўткир Жалолов. – Энди Бахтиёр Малайзияда ўтадиган жаҳон биринчилигида иштирок этади.

Мустақиллик йилларида ўсиб воярга етаётган бундай йигит-қизлар Оққўрғонда оз эмас. Улар боғча ва мактабларда спортнинг у ёки бу турига кўнгил қўйиб, эгаллаган дастлабки малакаларини болалар ва ўсмирлар спорт мактабидаги машғулотлар жараёнида моҳир мураббийлар кўмагида мустаҳкамлашаяпти. Спорт мактаби мажмуасида юнон-рум кураши бўйича 4 та гуруҳ ташкил этилди. Машғулотларда 200 дан зиёд бола мураббийлардан маҳорат сирларини ўрганаяпти. Улар орасидан спорт усталигига 11 номзод, 3 спорт устаси етишиб чиқди.

Умуман, бу мактабда спортнинг 8 тури бўйича тўгаракларда машғулотлар олиб борилаётир. Бундан ташқари, агросаноат касб-ҳунар коллежи, бошқа бир қатор мактабларда ҳам волейбол, қўл тўпи, баскетбол, юнон-рум кураши, футбол, шахмат тўгараклари ташкил этилган. Спорт мактаби тарбияланувчилари "Умид ниҳоллари" мусобақаларида спортнинг олти тури бўйича 1-3-ўринларни эгаллашди.

Бадиий гимнастика қишлоқ қизларида алоҳида қизиқиш уйғотаяпти. Ҳатто, чекка-чекка қишлоқларда ҳам ҳаваскор қизлар кўпайиб бораяпти. Бугун спортнинг бу нафис тури билан 77 қиз шуғулланаётир.

Султонобод қишлоғида югуриш ва спортча юриш билан ёши 40 дан ошган 50 спортчи қатъий жадвал асосида шуғулланади. Бу тажриба, умуман, мамлакатда ноёб бўлиб, жамоатчилик уни синчиклаб ўрганаяпти. Чунончи, Сирдарё, Самарқанд ва Хоразм вилоятлари спорт ташкилотчилари уни ўрганишди. Вилоятимиз шаҳар ва айрим туманлари спорт ташкилотчилари ҳам султонободликлар тажрибаси билан атрофлича танишдилар. Демак, Оққўрғон спорт соҳасида ҳам ўзига хос мактаб яратяпти. Бу мактабда чиниқиб, камол топган спортчилар жаҳон спорт арена元ларига дадил чиқиб боришаяпти.

**Еркебой БОТИРОВ,**
**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбирлари.**

**СУРАТЛАРДА:** (юқорида) агросаноат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежининг бахтиёр ўқувчилари; (пастда) шахматчи қиз Мафтуна Маматқулова.

**Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.**

# БУ ЮРТДА ЯШАШНИНГ ЎЗИ БАХТ

**– Ҳозир кўнгил кечинмаларини айтишга ожизман. Орадан йиллар ўтсада, ёшликдаги ширин хотиралар ҳамон кўз ўнгимда. Дийдор ширин деганлари шу бўлса керак. Бугун бир лаҳза ўша бахтиёр онларга қайтгандек бўлдим. Шу кунларга етказганига минг шукр, – деди синфдошлар учрашувида сўзга чиққан Басира Исмоилова. – Халқимиз асрлар давомида интилган мустақилликни қўлга киритдик. Миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримиз қайта тикланди. Кўз тегмасин, ҳаётимиз тўкин, турмушимиз фаровон. Бебаҳо неъмат – Истиқлол нашидасини суриш бизга насиб этди. Юртимизнинг 20 йиллик тўйи арафасида яна дийдор кўришганимиздан беҳад шодман.**

Зангиота туманидаги Қорасув гузарида синфдошлар анъанага кўра яна йиғилишди. Тумандаги Убай Маҳмудов номли мактабни 50 йил бурун битирган қадрдонлар тўкин дастурхон атрофида қизғин суҳбат қуришди. Устозлардан эшитган дакқиларию, қизиқ ҳангомаларни эслашди. Ҳамма хурсанд, юзларида самимий табассум.



– 24 ўғил-қиз аҳил-иноқ ўқидик, – дейди Любовь Никитина. – Ўзбек тилида гапиришга қийналардим, лекин синфдошларимнинг кўмаги билан тез ўрганиб олдим. Мен сабр-қаноатли, соддадил, инсонпарвар, бағрикенг ўзбек халқи орасида яшаётганимдан фахрланаман.

Бир вақтлар рус миллатига мансуб Любовь Никитинага "дарс берган" ўқувчиларнинг кўпчилиги чинакамига ўқитувчи бўлишди. Уларнинг айримлари фан номзодлари. Шифокор, муҳандислик касбини эгаллаб, сидқидилдан меҳнат қилганлар ҳозир нафақада.

– Инсон меҳр истаб яшайди. Зеро, кўнгил тоғдек юксалмоғи учун икки оғизгина ширин каломнинг ўзи кифоя, – дейди Мирза Аҳмедов. – Давраларнинг тўри бизники, ҳамиша ғамхўрлик, эҳтиром оғушидамиз. Жаннатмакон диёрда, қадру эъзоздан баҳраманд бўлиб яшаётганимиз тенгсиз бахт.



Инсон хотира билан тирик, қадр билан улуғ. Ўтганларнинг номларини ёд этиш, хотирасини ҳурмат билан эслаш, уларнинг руҳларини шод қилиш муқаддас одат сифатида қонқонимизга сингиб кетган.

Синфдошлар дунёдан кўз юмган Илҳом Алиметов, Саъдулла Тўлаганов, Дилором Воҳидова каби устозлари ҳамда дўстларининг хайрли ишларини, миллат равнақи учун қўшган ҳиссаларини хотирлашди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

**СУРАТЛАРДА:** учрашувдан лавҳалар.

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# ЙОГУРТЛИ ТОРТ

**Масаллиқлар:** 150 гр. бисквитли печенье, 125 гр. сариёғ, 600 гр. смородина, 45 гр. желатин, 400 гр. творог, 500 гр. йогурт, 125 гр. шакар, 4 ош қошиқ лимон соки, 300 мл. сливки, 2 та тухум оқи, 300 гр. юпқа қилиб кесилган мағиз.



**Тайёрлаш:** печеньени майдалаб, сариёғ билан аралаштирилади. Ёғланган қолипга солинади ва икки соатга музлаткичга қўйилади. Смородина бўтқа ҳолига келтирилади. Желатин ивитилади. Творогга йогурт ва шакар қўшилади. Ивитилган желатинга лимон шарбати ва смородинали бўтқанинг ярми қўшилади. Ўттиз дақиқага музлаткичга қўйилади. 200 мл. қаймоқ ва тухум оқи алоҳида идишда кўпиртирилади. Иккаласига ҳам творогли масса қўшилади. Тайёрланган печеньели массага бир хилда смородинали бўтқа суртилади. 5-6 соатга музлаткичга қўйилади. Хоҳлаган тарзда безатиш мумкин.


"TASHKENT FISH AND CHIPS" хусусий корхонасининг думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"OSIYO SAVDO BINOKOR" МЧЖга тегишли бир дона оддий муҳр ва бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 18.03.2011 йилда гувоҳнома рақами № 005766 билан рўйхатга олинган (ИНН 300994166) "WISE INVESTMENTS" масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дона думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянную трудовую книжку, выданную на имя Ганиевой Надежды Темовны просим вернуть за вознаграждение. Тел.: 935-25-18.

ЧП "AVA PLUS" Учтепинского района сообщает о своей реорганизации в форме преобразования в ООО "Victory-peak". Т.: 392-61-39.

Бўстонлиқ туманидаги 26-ўрта мактаб томонидан 1992 йилда Турабекова Багила Адылбековна номига берилган А № 125954 (қайд рақами 39) рақамли 9-синфни тугатганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянный диплом № 535652 (рег. № 4344), выданный 2010 году Ташкентским финансовым институтом на имя Очилова Бекзода Толлиевича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**


**BOLALIK BOG'I**

# SOVG`A

Ertalab Murodjon uyqudan ko`zini ochganida bo`yniga zanjir solingan kiyikni ko`rdi. Bugun uning tug`ilgan kuni. Dadasi unga, etti yoshga to`lgan kuning kiyik sovg`a qilaman, degan edi. Kecha dadasi ovga ketgandi, mana bugun va'dasining ustidan chiqib, kiyik olib kelibdi.

Murodjon kiyikni tomosha qildi va o`rtoqlarini chaqirib keldi. Axir, dadasi qanday zo`r sovg`a olib kelganini o`rtoqlariga maqtanishi kerak-da. Murodjonga o`rtoqlarining havasi keldi, chunki hali hech kimning dadasi bunaqa sovg`a qilmagan edi. O`sha kuni uni hamma qutladi, tug`ilgan kuni yaxshi o`tdi. O`rtoqlari, amma-xolalari juda ko`p sovg`a olib kelishdi, biroq ular orasida dadasining sovg`asiga teng keladigani yo`q edi.

Ertasiga Murodjon kiyikni astoydil parvarish qilish uchun o`t yulib keldi, ammo kiyik o`tga qayrilib ham qaramadi. Kiyikning ko`zidan yosh oqardi. U uzoq-uzoqlardan elas-elas ko`rinayotgan tog`larga qarardi. Murodjon hayron bo`lib kiyikka tikilib o`tirdi. Uning ko`zidagi yoshni ko`rib rahmi keldi. Go`yo undan shafqat so`rayotgandek tikilayotgan kiyikka yaqin keldi. Silamoqchi bo`ldi-yu, qo`rqdi. Kiyik zanjirni tortaverib, holdan toygandi. Murodjon uni shu ahvolda ushlab turgisi kelmadi. Axir kiyikning bebaxtligidan u quvonarmidi?

Murodjonning o`zini kimdir qamab qo`ysa, nima bo`ladi? Ota-onasi, o`rtoqlaridan ajralib, qanday yashaydi? Murodjon bechora kiyikning holini tushundi. Uzoqdagi tog`larga qaradi, ha, kiyikning makoni o`sha tog`larda. U ota-onasining, yor-birodarlarining yoniga borishi kerak. Murodjon qo`rquvni ham unutib kiyikka yaqinlashdi. Zanjirning qulfini ochib yubordi. Kiyik tog`lar tomon xuddi shamoldek uchib ketdi.

**Barno RUSTAMOVA.**

**ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАР**

# КЎЗА ТЎЛСА ТЎКИЛИШИ БОР

Тадбиркорлик яхши фазилат. Мингта лоқайд кишидан битта тадбиркор афзал. Лекин бу чўнтагида 3-4 сўм пайдо бўлгач, кўзини шира босиб, атрофдагиларга тепадан қараш, одамларни, ҳатто, қонунларни менсимаслик керак, дегани эмас.

Янгийўл туманида яшовчи тадбиркор, 53 ёшини турмада қарши олган Ҳабибулла Элмуродов ҳозир тиканли симлар ортида ўтириб, бошини чангаллаганча ўтган ҳаётини, қилмишларини таҳлил қилаётган бўлса ажаб эмас. Уни нима жин уриб охири маҳкумлик билан тугаган можароларга аралашиб қолганини тушуниш қийин. Янгийўлда киссаси қаппайган иккита бойвачча бўлса, биттаси шу эди. Ҳеч кимдан ками йўқ, пул дегани сувдек оқиб келиб турган бўлса... Нима десангиз деңг-у, бандасининг кўзи тўймас экан...

Очиғини айтсак, Янгийўл шаҳар ички ишлар бўлимига Надежда Габдураҳмонова шикоят хати кўтариб келганида биров ишониб, биров ишонмади. Эмишки, Элмуродов Леонид Пак исмли кимсасиз бир марҳумнинг васиятномасини қалбакилаштириб, унга тегишли уйни ўзиники қилиб олганмиш. Елена Шитик исмли аёлнинг уйига маст ҳолда бостириб кириб, унинг 356 минг сўмлик, Надежда Габдураҳмонованинг эса 4 миллион 168 минг сўмлик буюмларини "шмо" қилганмиш. "Нимангга етмаётган эдики, ожизаларнинг эски-тускиларига кўз олайтирдинг" дейдиган мард йўқ. Одамзотнинг пули кўпайса шохи чиқади, шекилли,

Шап-шап дегандан кўра, шафтоли яхши дейилганидек, яна Надежда Габдураҳмонованинг шикоят аризасига қайтсак. Милиция аризани олгач, албатта, ўз вазифасини бажармай қолмайди. Текширади, аниқлайди, айби бўлса жазолайди. Ариза асосида прокурор рухсатномаси олингач, дарров Элмуродовнинг уйида тинтув ўтказилди. Унинг шохи чиққани исботлангани устига, "миси ҳам чиқди", унинг уйидан оз эмас, кўп эмас 8,1 грамм героин гиёҳванд моддаси топиб олинди. Унинг қаердан келиб қолгани ва кимдан олинганини тергов ва дастлабки суриштирув жараёнида аниқлашнинг иложи бўлмади.

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Тинтув пайтида унинг уйидан 3.800 АҚШ доллари ва 1 миллион 150 минг сўм топилди. Табиийки, Элмуродов героин уники эмаслиги, топилган пул эса 5.600 доллар эканини айтиб, оёқ тираб олди. Шунақа пайтда қандайдир аномал ҳодисалар ва ўзга сайёраликларнинг ташрифи ростмикан, деб шубҳаланиб қоласан. Бўлмаса, 5.600 долларининг тинтув пайтида 3.800 долларга айланиб, 8,1 грамм героиннинг ғойибдан пайдо бўлиб қолганини қандай изоҳлаш мумкин?!

Михаил Булгаковнинг "Уста ва Маргарита" романида айтилганидек, фалокат бир бошланмасин, бошландими тўхтатиш қийин. Жараён тинтув билан тўхтаб қолмади. Элмуродовнинг бошини айлантирган бойликларнинг қаердан келгани, қонуний ёки ноқонуний йўллар билан топилганини аниқлаш мақсадида Элмуродовга тегишли "Тонг" хусусий корхонасида Янгийўл шаҳар давлат солиқ инспекцияси тафтиш ўтказди. Текширувлар натижасида Элмуродов 2005 йилдан 2010 йилгача ер ва мулк солиғи бўйича 5 миллион 951 минг сўм миқдорида давлат бюджетига зарар келтиргани аниқланди. "Тонг" хусусий корхонасининг озиқ-овқат магазинларида 709 минг сўмлик ортиқча моллар борлиги маълум бўлди. Табиийки, "ортиқча" солиқ тўламаслик мақсадида бу товарлар расмийлаштирилмаган. Бундан ташқари, "Тонг" хусусий корхонаси "Янгийўлнур" давлат унитар корхонасига қарашли бинолардан фойдаланиб, 1998 йилдан 2010 йилгача турли солиқларни тўламай, давлатга 46 миллион 864 минг сўм зарар етказгани ошкор бўлди.

Элмуродовнинг барча қилмишлари судда ўз исботини топди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг ўнга яқин моддалари билан айбланиб, 14 йил қамоқ жазоси тайинланди. Жабрланувчилар Надежда Габдураҳмонованинг фойдасига 4 миллион 168 минг сўм, Елена Шитик фойдасига 356 минг сўм, "Янгийўлнур" давлат унитар корхонаси фойдасига 43 миллион 593 минг сўм, давлат фойдасига 8 миллион 720 минг сўм ундириб олиш белгиланди.

Ҳа, ҳаёт қоидаси шунақа: осон топилган дунё осон йўқотилади. Кўза тўлиб, ҳаддидан ошса, албатта тошади.

**Карим МАТНАЗАРОВ.**

*P.S. Ҳаётнинг ўзи катта муаллим, олий ҳакам. Ёнимиздаги одамларнинг қилмиши биз учун ибрат. Юқоридаги воқеани ўқиб, сизда ҳам фикр ва муносабат туғилган бўлиши табиий. Мулоҳазаларингизни кутиб қоламиз.*


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

**Телефонлар:**
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54.
Эълонлар: 236-55-03, 236-55-59.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Навбатчи муҳаррир **Жўра САЪДУЛЛАЕВ**
Навбатчи **Ирода НОРБОЕВА**
Саҳифаловчи **Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ**

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-640. Адади 12320. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. **ISSN 2010-9318.**

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40. 1234